

ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Рустамов Нарзилло Истамович

*Тошкент амалий фанлар университети “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
мудури, (PhD)*

Аннотация: Ушбу мақолада трансформация жараёнлари ва рақамли трансформациянинг бугунги кундаги долзарблиги, иқтисодий соҳаларнинг рақамлаштирилиши ёритилган ва таклифлар кўрсатилган.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, рақамлаштириш, иқтисодиёт, иқтисодий фаолият, жамият, ижтимоий-иқтисодий тизимлар, ривожланиш, сифат, технология, модернизация, диверсификация, саноат, рақобат, технологик трансформация, инвестиция, инновация, рақамли инфратузилма.

ПРОЦЕССЫ ТРАНСФОРМАЦИИ И ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

Рустамов Нарзилло Истамович

*Заведующий кафедрой «Экономика сетей» Ташкентского университета
прикладных наук, (PhD)*

Аннотация: В данной статье освещена актуальная актуальность трансформационных процессов и цифровой трансформации, цифровизации отраслей экономики, а также предложены предложения.

Ключевые слова: цифровая трансформация, цифровизация, экономика, экономическая деятельность, общество, социально-экономические системы, развитие, качество, технология, модернизация, диверсификация, индустрия, конкуренция, технологическое трансформация, инвестиция, инновация, цифровая инфраструктура.

TRANSFORMATION PROCESSES AND THE IMPORTANCE OF DIGITAL TRANSFORMATION

Rustamov Narzillo

*Head of the Department of Network Economics, Tashkent University of
Applied Sciences, (PhD)*

Abstract: this article highlights the current relevance of transformation processes and digital transformation, digitalization of economic sectors, and also offers suggestions.

Key words: *digital transformation, digitalization, economics, economic activity, society, social-economical systems, development, quality, technology, modernization, diversification, industry, competition, technologic transformation, investment, innovation, digital infrastructure.*

Кириш

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичда иқтисодиёт тармоқларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш ҳисобланади.

Трансформация сўзининг луғавий маъноси, лотинчада *Transformatio* – ўзгартириш, қайта ташкил этиш маъносини билдириб:

1. Таркиб, шакл ва услубларни қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш;
2. Алмаштириш усулларида бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади¹.

Асосий қисм

“Трансформация” атамаси иқтисодий тизимдаги туб ўзгаришларнинг сифат хусусиятларини баҳолаш зарурати туфайли вужудга келган бўлиб, у қайтариб бўлмайдиган ва келажак моделини шакллантириш йўлида янги сифат босқичларига ўтиш ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолатда революцион жараёнга хос бўлган сакрашлар рўй беради. У ҳар доим бир хил кўринишга эга бўлмайди, лекин кўпинча бу жараён туб ислохотлар ёки инқилобий ўзгаришлар рўй беришини назарда тутаяди, уни нафақат бурилиш жараёни, балки ўтиш концепциясига мос келадиган босқичма-босқич эволюцион ривожланиш жараёнларининг тўхташи сифатида ҳам кўриб чиқиши керак.

Иқтисодий адабиётларда трансформация турли талқинларда кўриб чиқилган. Таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, “трансформация - бу иқтисодий фаолиятнинг тузилма, шакл ва усулларида қайта шакллантириш, унинг мақсад йўналишларини ўзгартиришдир”², демак бу ерда трансформация эволюцион тизимда революцион характердаги сифат ўзгаришларини амалга оширишни англатади. Лотин тилидан таржима қилинганда “трансформация” атамаси қайта шакллантириш, ўзгартириш деган маъноларни англатади. Шунинингдек, бу тушунча иқтисодий тизимда сифат жиҳатидан ўзгаришлар ва ривожланиш содир

¹ http://www.dic.academic.ru/dic.nsf/economic_law/16427/Трансформация.

² Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М., 1997.

бўладиган жараёнларни бирлаштириши керак. Тизимдаги сифат ўзгаришлари унинг тузилишини ўзгартириш билан бир вақтда содир бўганлиги сабабли, унинг асосини тизим тузилишининг ўзгариши ташкил этиб, у иқтисодий фаолиятнинг шакллари ва усуллари ўзгаришига олиб келади. Иқтисодий фаолиятнинг мақсадли йўналишларини ўзгартириш уни мослаштиришга олиб келиши ёки уни сақлаб қолиши мумкин.

Трансформация – бу иқтисодий тизимнинг маълум параметрлари, жумладан, ўзгаришлар жараёнининг йўналиши, суръати, интенсивлиги, давомийлиги ва бошқа хусусиятларининг қандайдир ўзгариши билан тавсифланган ҳаракатдир. Бу ҳаракат шакли, тизимнинг маълум вақтдаги ва иқтисодий макондаги ҳаракатининг маълум бир сифат жиҳати ҳисобланади.

“Трансформация” категориясини олимлар турли талқинларда ўрганганлар. Масалан, неоинституционализм илмий мактабининг олимлари “трансформация” категориясини иқтисодий тартиблар нуқтаи-назаридан изоҳлайдилар. Уларни баъзилари “трансформация” категориясини тизимнинг тузилиши, тартибдаги ўзгаришлар натижасида иқтисодий тизимнинг тубдан ўзгариши деб тушунишади, бошқалари буни “тартибни ташкил этувчи алоҳида белгиларни ҳам бошқалари билан алмаштириш” деб ҳисоблайдилар. Унда эски тартиб (унинг алоҳида соҳаси) янгиси билан алмаштирилади”³.

Шунинг учун “жамиятнинг глобал трансформацияси” тушунчасидан фойдаланган Э.Тоффлернинг⁴ фикрига мурожаат қилинади. У жамиятнинг ўзгаришини баҳолашга глобал нуқтаи-назардан ёндашади, трансформация орқали жамият ривожланишидаги муҳим сифат ўзгаришларини тушунади, уларнинг ҳар бири жамият ривожланишининг олдинги йўналишини давоми эмас, балки унинг тубдан ўзгаришини, ҳатто олдинги ҳолатини инкор этиши мумкинлигини ҳам эътироф этади. Ҳаракатнинг бу тури иқтисодий тизимларга хосдир. Шунинг учун трансформация жараёни тизимларни сифат жиҳатдан ўзгартириш жараёнининг чуқурлиги нуқтаи-назаридан ҳам тавсифланади. Э.Тоффлернинг эътирофга кўра, “Бу бир иқтисодий тартибнинг таркибий хусусиятларини бошқа тартибнинг ўхшаш хусусиятлари билан алмаштириш жараёни, бунинг натижасида бутун иқтисодий тизим тубдан ўзгаради. Айрим давлатлар ва мамлакатларда иқтисодий тартибдаги ўзгаришлар турли сабабларга кўра рўй бериши мумкин: кетма-кет эволюция жараёнлари (эндоген трансформация) ёки инсонларнинг онгли ҳаракатлари (экзоген трансформация) натижаси бўлиши мумкин”.

Иқтисодчи олим Б.Шаванс “трансформация сиёсий режим, мулкчилик

³ Платонова Е. Экономические системы и их трансформация // Мировая экономика и международные отношения. 1998. № 7.

⁴ Тоффлер Э. Третья волна / пер. с англ. М., 2002.

шакллари, мувофиқлаштириш механизмлари каби аниқ шакллардаги туб ўзгаришларни ўз ичига олади”, деб таъкидлайди⁵. Унинг илмий ишларида юқоридаги ҳолатларда трансформация дискрет жараён сифатида қаралади.

Россиялик олим В.Н. Кириченконинг⁶ фикрига кўра, трансформация биринчидан, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ёки уларнинг алоҳида бўлимларидаги ўзгаришлар давомийлигидан келиб чиқади, бунда “горизонтал” ривожланиш (асосан тизимнинг миқдорий жиҳатлари ўзгариши) ва “вертикал” (асосан сифат хусусиятлари ўзгаришлар) ривожланиш бир-биридан фарқланади. Иккинчидан, бу жараённинг объектив ва субъектив томонлари мавжуд: бу жараённинг объективлиги “сиёсат билан белгиланадиган субъектив фаолият билан рағбатлантирилади ҳамда мустаҳкамланади”. Горизонтал тарзда содир бўладиган ўзгаришларни В.Н. Кириченко модернизация ва иқтисодий тизимни такомиллаштириш, вертикал ўзгаришларни трансформация деб атайти. Бундан ташқари, трансформация бутун тизимда ҳам, унинг айрим қисмларидаги “элемент”ларда ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришларга имкон беради. В.Н. Кириченконинг сўзларига кўра, трансформация - бу ривожланишнинг маълум бир босқичи, тизимнинг тубдан ўзгаришини ифодаладиган сакраш жараёнидир. Сакрашдан олдин содир бўладиган барча миқдорий ўзгаришлар горизонтал ривожланиш, яъни тизимни модернизация қилишдир. Шундай қилиб, трансформация иқтисодий тизимдаги сифат (тизимнинг ҳатто бир қисми ўзгариши натижасида юзага келадиган) ўзгаришларнинг дискрет жараёнидир. Бу талқинда “трансформация” атамаси, биз билганимиздек, миқдорий ва сифат ўзгаришларининг турли даврларига бўлинган ҳолда унга ўтишга тайёргарликнинг бутун жараёнини ўз ичига олмайди, трансформация тизимнинг ўзини ўзгартириш жараёни эмас, балки фақат олдинги ўзгаришларнинг натижаси, трансформация рўй берадиган объектив ҳолатдир.

Э.Г. Юдиннинг фикрига кўра, “ҳаракат”, “фаолият”, “ривожланиш” ва “трансформация” категориялари бир-биридан ажратгандан сўнг, иқтисодий тизимларнинг тегишли жараёнларининг қонуниятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак. Фалсафада тизимнинг ҳаракат қонунлари одатда икки гуруҳга бўлинади:

1. тизимнинг мавжудлиги ва фаолият кўрсатиш қонуниятлари (тизимнинг сифатини, тузилиши ва яхлитлигини сақлаш қонунлари)
2. тизимнинг ривожланиш (сифат ўзгариши) қонунлари.

Иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта

⁵ Шаванс Б. Эволюционный путь от социализма // Вопросы экономики. 1999. № 6.

⁶ Кириченко В. Рыночная трансформация экономики: теория и опыт // Российский экономический журнал. 2000. № 11-12.

ишлаш асосида юқори қўшимча қиймат занжирини ҳосил қилувчи тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали тармоқни янада модернизация ва диверсификация қилиш, саноат тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиянинг янги турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мазкур йўналишнинг муҳим ва устувор вазифалари ҳисобланади.

1-жадвал

Озиқ-овқат саноати корхоналарида қўлланиладиган трансформация турлари⁷

Трансформация турлари	Мазмуни
Технологик трансформация	маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни, шу жумладан органик синтез ва нанотехнологиялар орқали ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш. Бунда, қайта ишланмаган хом ашё ресурсларини мамлакат ҳудудида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш орқали уларни хом ашё сифатида экспорт қилинишини босқичма-босқич қисқартириш
Хўжалик муносабатлари тизимининг трансформацияси	қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан озиқ-овқат саноати корхоналари ўртасидаги муносабатлар соҳасида давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа-тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш
Мулкый муносабатлар тизимининг трансформацияси	соҳада янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали корхоналарда давлат улушини кескин камайтириш ва саноат корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, корхоналар фаолиятига давлат ҳокимияти органлари аралашувининг олдини олиш
Рақамли трансформация	молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини маркировка қилиш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш
Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги	инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

муносабатлар трансформацияси	
Кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси	соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш

Жаҳон иқтисодий-ижтимоий соҳалар амалий фаолиятига “Рақамли трансформация” (digital transformation), “рақамли етуклик” (digital maturity) ва рақамлаштириш (digitalization) каби турдош бўлган тушунчаларининг кириб келганлигига нисбатан кўп вақт ўтгани йўқ. Бу тушунчанинг илмий адабиётлар, статистик ўлчовлар бўйича халқаро кўрсатмалар ёки турли давлат ҳужжатларида ҳам ҳозирги кунда умумэтироф этилган таърифи ишлаб чиқилмаган.

Рақамли трансформация – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш моделлари, шунингдек, давлат бошқаруви механизмларининг рақамли технологиялар таъсирида ўзгаришидир.

“Рақамли трансформация” тушунчаси кўп қиррали ва кенг доирада талқин қилиниши мумкин. Бу тушунча турли ҳодиса ва кўринишларнинг умумлашмаси сифатида шакллантирилади ва аниқ мазмун-маъно эса кўп жиҳатдан бу тушунчадан қандай йўналишда фойдаланишга боғлиқ бўлади. Масалан, корхонанинг рақамли трансформацияси ишлаб чиқариш, бошқарув ва ёрдамчи жараёнларни қамраб олади ҳамда унга бевосита таъсир кўрсатади, иқтисодиётда контрагентлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги усулларини таъминлайди, жамиятда кенг масалалар доирасини ечиш учун янги коммуникация шакллари келтириб чиқаради. Шу билан бирга бу гуруҳларнинг ичида ҳам иқтисодий тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинганда бир биридан кескин фарқ қилувчи рақамли трансформация жараёнлари амалга оширилиши мумкин.

Масалан, корхонанинг рақамли трансформацияси ишлаб чиқариш, бошқарув ва ёрдамчи жараёнларни қамраб олади ҳамда унга бевосита таъсир кўрсатади, иқтисодиётда контрагентлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги усулларини таъминлайди, жамиятда кенг масалалар доирасини ечиш учун янги коммуникация шакллари келтириб чиқаради. Шу билан бирга бу гуруҳларнинг ичида ҳам иқтисодий тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинганда бир биридан кескин фарқ қилувчи рақамли трансформация жараёнлари амалга оширилиши мумкин.

“Рақамли трансформация” тушунчаси мазмунидаги бундай номутаносибликлар нисбатан янги, шу билан бирга етарли даражада ўрганилмаганлиги ва динамик хусусиятларни тавсифлаши сабабли янада

такомилаштирилишга қараб чуқурлашиб боради. Кўплаб тадқиқотчилар рақамли трансформацияни рақамли технологияларни жорий этилиши муносабати билан аввалги ташкил этилган иқтисодий ва ижтимоий институтларнинг ўзгартирилиши (қайта шакллантирилиши) жараёни сифатида талқин қилади. Бироқ, рақамли технологияларнинг ўзи баъзида аввалдан эҳтимол қилиб бўлмайдиган даражада ва шу қадар тез ривожланмоқдаки, ҳатто умумий маънода ҳам амалий жиҳатдан уларнинг тарқалиши оқибатларини олдиндан билиш жуда мураккаб ва кўп ҳолатларда эса бунинг деярли имкони йўқ. Агар рақамли трансформация жараёнларини прогнозлаш ёки режалаштириш истикболини ўрта ва узоқ муддатга узайтиришга ҳаракат қилинса, бу ноаниқлик даражаси янада ортиб боради. Ўз-ўзидан “рақамли трансформация” тушунчаси аниқ белгиланган йўналишга эга бўлган ҳамда қандайдир бошланғич ҳолатдан аниқ якуний ҳолатга олиб келадиган қатъий кўрсатмаларни ўз ичига олмайди, балки ана шу кўрсатмаларни ишлаб чиқиш йўналишларини белгилаб беради.

Хулоса

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси доирасида иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳани рақамли ўзгартиришга қаратилган давлат сиёсати чоратадбирлари белгиланди. Унда 2030 йилгача бўлган даврда рақамли трансформацияни амалга ошириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг миллий мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, бу мақсад кўрсаткичлари рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш, ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака ошириш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унинг тасарруфидаги ташкилот ва ҳудудий бошқармаларининг масъул раҳбарларини тегишли туманларга (шаҳарларга) бириктирилди. Ҳудудий ишчи гуруҳлари ташкил этилди ва улар ҳар 10 кунликда лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги ва жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг амалий аҳамиятини баҳолаб боради.

2020 йил 1 ноябрдан бошлаб инвестиция лойиҳалари ҳамда жалб этилаётган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар маблағлари умумий миқдорининг 5 фоиздан кам бўлмаган қисми “рақамли” компонентларга йўналтирилди. Стратегия доирасида 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да тўртта асосий соҳани ривожлантириш назарда тутади:

1. Электрон ҳукуматни ривожлантириш;
2. Рақамли индустрияни ривожлантириш;
3. Рақамли таълимни ривожлантириш;
4. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони.
2. Платонова Е. Экономические системы и их трансформация // Мировая экономика и международные отношения. 1998. № 7.
3. Тоффлер Э. Третья волна / пер. с англ. М., 2002.
4. Шаванс Б. Эволюционный путь от социализма // Вопросы экономики. 1999. № 6.
5. Кириченко В. Рыночная трансформация экономики: теория и опыт // Российский экономический журнал. 2000. № 11-12.
6. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. М., 1997.
7. Urbach & Röglinger, 2019; Zaki, 2019, Digitalization Cases - How Organizations Rethink Their Business for the Digital Age, Springer International Publishing, Cham, Switzerland ISBN: 978-3-319-95272-7.
8. G. Tomas M. Hult Disruptive marketing strategy June 2017 Academy of Marketing Science Review 7(October) DOI:10.1007/s13162-017-0097-4
9. http://www.dic.academic.ru/dic.nsf/_economic_law/16427/Трансформация.